

Бақара сураси, 82-оят

08:10 / 05.10.2017 3611

Ва иймон келтириб, солиҳ амалларни қилганлар - ана ўшалар жаннат соҳибларидир. Улар унда мангу қолувчидирлар. Бақара 82.

Демак, жаннатга кириб, унда абадий қолиш учун Бану Исроилдан бўлиш шарт эмас экан, балки иймон керак экан. Иймон бўлганда ҳам, ҳақиқий иймон лозим, номига, хўжақўрсинга бўлган иймон эмас. Кўплар мусулмонликни даъво қилади, аммо мусулмон киши қилиши лозим бўлган бандалик бурчини ҳам бажармайди. Шу билан бирга, нақд жаннатнинг тўридан жой олишни даъво қилади. Ушбу оятда, худди бошқа оятлардаги каби, ўша қабилдаги кишиларга ҳам раддия бор. Чунки жаннат эгаси бўлиб, унда абадий қолиш бахтига сазовор бўлиш учун иймон ва яхши амаллар шарт қилинмоқда. Иймон Ислом ақийдаси талаб қилган иймондир. Яхши амаллар эса Ислом дини қилишга буюрган амаллардир.

Ҳақиқий иймон кишини шариат кўрсатган яхши амалларни қилишга, қайтарган ёмон амаллардан қайтишга чорлайди. Шундан келиб чиқилса, бунинг аксини қиладиган одамларни ҳақиқий иймон эгаси деб бўладими?

Кейинги оятларда Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларга яҳудийларнинг кирдикорларини яна ҳам кўпроқ фош қилади.